




1783 йилда Россия империяси Кримни бутунлай аннексия килди. Бу сана яриморолда янги давр – "озодлик", "кайта бирлашиш" ва "кайтариш" даврининг бошланиши сифатида қабул қилинади. Аммо бутун бир халқ – асрлар давомида Шимолий Қора денгиз даштларида яшаган кўчманчи нўгайлар учун бу якуннинг бошланиши эди.

Бугун улар деярли эсдан чиқарилган. Улар янги тартибга мослаша олмадилар. Улар шунчаки йўқ қилинди. Тарихчиларнинг таъкидлашича, бу жараёнга шухрат ва ёдгорликлар билан ўралган босқинчи саркарда Александр Суворов бошчилик қилган.

1. Катлдан олдинги зиёфат

Тарихий ёзувларда ҳам, британиялик журналист Оливер Буллоунинг «Озодлигимизни саклаб қолайлик» китобида ҳам қайд этилган дахшатли эпизод мавжуд.

Суворов нўгайларнинг "хушёрлигини сусайтириш" мақсадида дабдабали зиёфат уюштирган: дастурхон ёздирган, 100 бош қорамол, 800 бош қўй сўйдирган, 500 бочка ароқ қўйган – ва одамлар бўшашганда, қиргин қилишга буйруқ берган. Бу эпизод тафсилотларида қанчалик аниқ эканлиги бахсли, аммо умумий воқеа қўплаб гувоҳликлар билан тасдиқланади.

Рус ҳарбий тарихчиси В.А. Поттонинг сўзларига кўра, қаршилик бостирилгандан сўнг Суворов «ўлжа» сифатида 300 минг от, 40 минг бош йирик шохли қорамол, 200 минг қўй, шунингдек, "беҳисоб аёллар ва болалар"ни асир олган. Жонли инвентарь. Одамлар – худди чорва қаби. Ҳаммасини талон-тарож қилингандек ўзаро бўлишиб олишган.

2. Ногай ўчоқларининг қули

Асрлар ўтди. Буллоу Азов ва Кубан даштларига бориб, минглаб ҳайвонлар ҳайдаб кетилган ва бутун бир халқ қувгин қилинган ерлар нимага айланганини кўришга қарор қилди. У бой яйловлар, подалар, ободонлаштирилган фермаларни кўришни қутган эди.

Аммо у шуни кўрди: «...юзлаб километр масофада – атиги иккита сигир, бир пода гоз ва битта чўчка. Ўгирланган нарсалар каерда?»

Хулоса катъий: ер асрлар давомида унда яшаганлардан империя манфаатлари йўлида тортиб олинган. Аммо натижада бойлик кўпаймаган – факат бугдой, маккажўхори етиштирилган ва унутилган хотира колган.

3. Империя мантиги: "Кесиш – демак эгаллаш"

Суворов шунчаки харбий кўмондон эмас эди. У Россия империясининг этник мухандислиги воситасига айланди. У Полшани «тинчлантирди» (Варшава чеккасидаги Прагада 20 000 гача аёл ва болалар ўлдирилган киргин), Крим татарларини эзди, кўчирди, тозалади, "янги тартиб" ўрнатди.

- Крим нўгайлар ва татарлардан руслар учун «тозаланди».
- Ўнг киргок Украинаси поляклардан тозаланди.
- Шимолий Кавказ черкеслардан тозаланди.

Ва хамма жойда – бир хил нарса: зўравонлик, кўчириш ва империяга "содик" бўлган янги халкларни жойлаштириш.

4. Мактабда ўргатилмайдиган хотира

Кўнхўр Суворов хали хам Россияда шарафлар билан ўралган шахс бўлиб колмокда: кўчалар, ёдгорликлар, орденлар. У зўравон боскинчилар каторига кўйилмайди, гарчи унинг "муваффакиятлари" кўп жихатдан айнан шафкатсизлик ва геноцидга асосланган бўлса хам.

Аммо тарих – бу факат галабалар паради эмас, балки сукут учун тўлов хамдир.

Ногайлар – тарихдан олдинги даврларда эмас, балки Екатерина II хукмронлиги даврида харитадан ўчирилган кўплаб халклардан биридир. Бу "цивилизация" ва "тартиб" шиорлари остида амалга оширилган онгли йўк килишдир.

"Биз тараккиёт олиб келдик", – дейишади империя апологетлари.

Аммо агар бу минглаб инсонларнинг хаёти, йўк бўлиб кетган маданиятлар, бир пайтлар подалар яйлаган бўш яйловлар эвазига бўлса – унда бу тараккиёт эмас, балки шов-шувлар остидаги талон-тарож бўлганми?

Бугун, чегаралар яна ёрилиб, эски империя рефлекслари бош кўтараётган бир пайтда, нафакат кахрамонларни, балки курбонларни хам эслаш мухимдир.

Ногайлар унутмади. Полша кечирмади. Кавказ эслайди.

Ва биз – бутун хакикатни билишга ҳақкимиз бор.

Абу Муслим

(Тарих илми сайтининг бош муҳаррири, профессор)